



20 17 yil "15" июль

К-341 - sonli

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг 2017 йил 7 июлдаги
“Озиқ-овқат маҳсулотини тамғалаш
юзасидан унинг хавфсизлиги
тўғрисидаги умумий техник
регламентни тасдиқлаш ҳақидаги”ги
490-сонли қарори ижросини
таъминлаш тўғрисида

“Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Ўзбекистон
Республикаси Қонунига мувофиқ, озиқ-овқат маҳсулотини тамғалаш
юзасидан хавфсизлигига қўйиладиган ягона талабларни белгилаш мақсадида

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил
7 июлдаги “Озиқ-овқат маҳсулотини тамғалаш юзасидан унинг хавфсизлиги
тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақидаги”ги 490-сонли
қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори билан озиқ-овқат
маҳсулотини тамғалаш юзасидан унинг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий
техник регламент тасдиқланганлиги ва расмий эълон қилинган кунидан
бошлаб ўн икки ой ўтгандан кейин амалга киритилиши;

“Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Ўзбекистон
Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ техник регламентлар амалга
киритилгач, уларда кўрсатилган маҳсулотлар ва хизматларга доир илгари
қабул қилинган стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар
мажбурийлик хусусиятини йўқотиши ва белгиланган тартибда
қўлланилишда ихтиёрийлик касб этиши белгиланганлиги қайд этилсин.

3. “Ўзбекозиқовқатхолдинг” холдинг компанияси ҳудудий вакили
(Р.Ахмедов), вилоят синов ва сертификатлаштириш маркази давлат
корхонаси (Э.Менглиев), вилоят телерадиокомпанияси (Ш.Шокиров), вилоят

матбуот ва ахборот ҳудудий бошқармаси (Ў.Олтибоев) билан биргаликда Умумий техник регламентининг мақсадлари, мазмуни ва уни қўллаш тартиби тўғрисида аҳоли, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари, вилоятдаги тадбиркорлик фаолияти субъектлари кенг хабардор қилинишини ва тушунтириш ишлари олиб борилишини таъминласинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Т.Боболов, А.Амиров, У.Бобоқулов зиммаларига юклансин.

Вилоят ҳокими



Э.Турдимов